



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (13.885)

Баҳоси эркин нарҳда

КЎМИРЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни кўмир қазиб олиш тармоғини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Кўмирчилик ёқилғи-энергетика таъминотининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари, аҳолининг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ муҳим соҳалардан биридир.

Ортимизда ҳар йили аҳоли хонадонларига 1 миллион тонна, ижтимоий соҳа объектларига 400 минг тонна кўмир етказиб берилади. Янги Ангрен ва Ангрен иссиқлик электр станцияларида энергия ишлаб чиқариш учун 4 миллион тонна кўмир ёқилади.

Йиғилишда конларнинг салоҳияти юқори бўлса-да, кейинги йилларда кўмир қазиб чиқариш режалари бажарилаётгани, тармоқдаги тизимли муаммолар бартараф этилмагани кўрсатиб ўтилди. Масалан, конлардаги техника ва технологиялар эскирган. Асосий хом ашё базаси бўлган Ангрен конида янги шахталар очиш ишлари ортада қолган. Карьерларнинг қиялик бурчаги белгиланган меъёрдан ошиб, қазил ишлари хавфли даражага етган.

Шу каби масалаларни тез ва самарали ҳал этиш учун "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятини профессионал ташқи бошқарувга бериш мўлжалланмоқда.

Йиғилишда Ангрен конидаги ҳолатни яхшилашга қаратилган ишларни самарали ташқи этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг яқин ва узоқ истиқболда кўмирга бўладиган талабини максимал даражада қоплаш учун Ангрен конини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг молия-

вий барқарорлигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Молия ва Энергетика вазирликларига кўмир нархи тарифларини оптималлаштириш, тармоқнинг рентабеллигини ошириш, инвестиция харажатларини қоплаш бўйича топшириқлар берди.

Кон очиш ишларини самарали ташкил этиш учун транспорт воситалари паркинни янгилаш лозимлиги қайд этилди. Мутасаддиларга зарур самосвал ва бошқа махсус техника воситаларини энг мақбул таклифлар асосида харид қилиш вазифаси кўйилди.

Шунингдек, бугунги кунда қазиб олиш ишларида фойдаланилмаётган техникалардан воз кечиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ангрен конининг жанубий чегарасига яқин жойда яшайтган аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасига юқорида қайд этилган масалалар, хусусан, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш, бу борада профессионал ташқи бошқарувчи ният этиш, тармоққа замонавий технологияларни жорий қилиш ва кўмир сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Муҳожама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА



ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ 2017-2021



8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД МУКОФОТ СОҲИБАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида "O'zbekim ayoli" миллий мукофотининг тақдироти бўлиб ўтди. "Milliy" телеканали томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга адабиёт, санъат, маданият, бадий ижод ва бошқа жабҳаларда узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, онахонлар, ёш ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Жамият ҳаётининг турли соҳалари жадал тараққиётга юртимизнинг хотин-қизлари ҳам фаол ва муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизда аёлларни қўллаб-қувватлашга доир эзгу ташаббуслар бу борадаги ишлар ҳажмининг тобора ортишида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишдаги амалий чора-тадбирлар ижодкор аёллар илҳомига илҳом қўшиб, юксак ижодий парвозларга ундамоқда. Бу жараёнда ижодий ва жамоат тўзимчалари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Эътиборга молик жиҳати, ушбу тадбирга оддий, камтарин, мушфиқ ва меҳнатсевар онахонларни имкон қадар кўпроқ таклиф этишга алоҳида аҳамият қаратилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда оилалардаги соғлом, осоёишта, барқарор маънавий муҳит, фарзандлар тарбияси, хонадоннинг файзи ва баракаси, тўқислиги, кўрки, демакки, жамиятдаги осудалик, ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолоти, келажаги кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқдир.

"O'zbekim ayoli" миллий мукофотининг таъсис этилиши замирида ҳам кўпларга ибрат бўлишга арзиғулик опа-сингилларимиз, муҳтарам оналаримизнинг кўнглини кўтариш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашдек мақсадлар муҳимдир.

...Муҳташам театр биноси фойсегига алвон гиламлар тўшалган. Ундан машҳур санъаткорлар билан бирга оддий онахонлар, мунис ва мушфиқ опа-сингилларимиз оҳиста қадам ташлаб, санъат залига қадам қўяди. Ёқимли мусика садолари баҳор таровати, бинафша ифори, кўкларнинг салқин шабадасини эслатади.

"O'zbekim ayoli" миллий мукофоти ўз соҳибаларига тантанали тарзда топширилди. Улар сафида турли ёш, касб эгалари борлиги диққатга сазовор.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт барчага манзур бўлди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳридаги "Грант алмаз" тантаналар саройида "Муътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланган сурхондарёлик бир гуруҳ хотин-қизларга ушбу мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда бир гуруҳ фаол аёлларга I, II ва III даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари ҳам топширилди.

• Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда вилоятнинг иқтисодиёт, саноат, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларида, жамоат ташкилотларида самарали фаолият юритиб келаётган фаол аёллар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Қашқадарё вилоятида эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган ҳамда ёш оилалар хонадонларида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига 60 мингдан ортиқ мева-дархат қўчатлари экилди.

• Мудоффа вазирлиги спорт клубида вазирлик қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида спартакиада ўтказилди. Спортнинг етти тури бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда 15 та жамоа галаба учун кураш олиб борди. Умумий натижаларга кўра, Куролли Кучлар академияси вакиллари биринчи ўринни эгаллади.

ЖАҲОНДА

• Швейцариянинг Женева шаҳрида анъанавий автосалон ўз ишини бошлади. Бу йилги кўриқда етакчи компанияларнинг электромобилларини ишлаб чиқаришга иштиёқлари баландлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, Франциянинг "Ситроен", Англиянинг "Астон Мартин" компанияларининг шундай янги автомобиллари муҳлису мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Германиянинг "БМВ" компанияси эса гибрид – ҳам электр қуввати, ҳам бензин орқали ҳаракатланадиган ўзининг янги моделини намойишга қўйди.

• Венесуэла президенти Николас Мадуро ўз халқини 9 мартда империализмга қарши ўтказиладиган юришда қатнашишга даъват этди.

• АҚШнинг Алабама ва Жоржия штатларига кучли торнадо хуружи катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Чунончи, соатига 266 километр тезликда эсан бўрон ўнлаб уйлари вайрон қилди, кўплаб дархатлар кўпорилиб, трассаларни ёпиб қўйди, 35 минг киши электр қувватидан узилиб қолди. Табиий офат 20 дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлди, 40 га яқин одам жароҳатланиб, касалхоналарга ётқизилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Муътабар аёл" кўкрак нишони совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

• Сайёҳлар ўзига керакли маълумотни олиш учун пойтахтимизда илк бор Тошкент туризмининг ривожлантириш департаменти томонидан "Смарт туризм" концепциясини QR-кодлар ёрдамида сайёҳларга тақдим этмоқда.

• Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжумани "Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар" мавзусига бағишланди.

• Ўзбекистон Езувчилар уюшмасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан "Аёлга бахт беринг, саодат беринг" деб номланган мушоира кечаси бўлиб ўтди.

• Яққасарой тумани "Асқия" бозори автотураргоҳи ёнида замонавий типдаги Санитар-гигиеник шохобчлар қурилди.

• Пойтахтимизда янги кўп тармоқли тиббий диагностика маркази очилмоқда.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАДИ

Халқаро валюта жамғармаси бош молиячиси Альберт Егер бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар бўйича ўранишлар олиб борди.

Тошкентда 5 март куни ушбу ўрганишлар якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Халқаро валюта жамғармаси бош молиячиси Альберт Егер мамлакатимиз иқтисодий сектори фаолияти таҳлилига бағишланган хулосаларини билдирди.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2018 йилда 5 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич жорий йилда 5.5 фоиз, 2020 йилда эса 6 фоизга етиши кутилмоқда. Шунингдек, бу йил инвестиция ва солиқ ислоҳотлари натижасида янги иш ўринлари сонининг ортиши кузатилади.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда инфляция даражасининг жорий ҳолати иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнидаги ҳодиса экани таъкидланди. Ўзбекистонда маҳсулот таннархини пасайтириш, маошлар дифференциал шкаласидаги дефицитни қоплашда кўрилатган чора-тадбирлар 2019 йилда инфляция даражасини 15 фоизга ушлаб туриш имконини беради.

Шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётида кутилатган эҳтимолий хатарлар мавжуд. Биргина мисол. Ўзбекистонда 2018 йилда кредитлаш жараёни 50 фоизга ўingan.

– Бундай кўрсаткич иқтисодиёт учун яхши натижаларга олиб келмаслиги мумкин, – деди А.Егер. – Ўзбекистон ислоҳотлар даврини бошдан кечирмоқда. Шу босиб бу табиий жараён ҳисобланса-да, кредитлашдаги меъёрни сақлаб туриш лозим.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган пул-кредит сиёсати,

жумладан, қайта молиялаштириш ставкасининг 16 фоизгача оширилиши инфляция хатарининг олдини олишда қўлдан кўтилган натижаларни бериши таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Мамаризо Нурмуродов 2019 йилда мамлакатимизда банк-молия, пул-кредит сиёсатида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар бўйича маълумот берди.

М.Нурмуродовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасида 2019 йилда монетар сиёсатда амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳожама қилинган. Халқаро институт экспертларининг таклиф ва тавсиялари эътиборга олинган.

Марказий банк валюта бозоридаги амалиётларни эркинлаштириш, миқозлар билан ишлашдаги тизимни янада соддалаштириш бўйича зарур чоралар кўради. Пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, ички бозордаги нархларни барқарорлаштириш мақсадида ўрта муддатли истиқболда инфляцияни таргетлаш механизми жорий этилади.

Бугунги кунда молия секторини ислоҳ қилишнинг ўрта муддатли концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Молиявий барқарорлиқни таъминлаш, банк-молия секторига хорижий ва хусусий капитал кириб келишига шариот яратиш, иқтисодиётда пул-кредит сиёсати таъсирини кучайтириш ушбу йўналишдаги ислоҳотлар асосини ташкил этади.

Айни пайтда банк соҳасидаги давлат улуши 84 фоизга тенг. Соҳада хусусий капитал иштирокини босқичма-босқич ошириш режалаштирилган.

Малоҳат ХУСАНОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ҲАМДА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2019 йил 5 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидеги дастлабки масала – "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин кечди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда юртимизда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бормоқда. Масалан, бу борада 2016 йилда 4102 та, 2017 йилда 5245 та, 2018 йилда эса 6043 ёки 2017 йилга нисбатан 15 фоизга ортиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган. Айниқса, ов қилиш, балиқ овлаш соҳасида ёҳуд доривор ва озикабон ўсимликлар турларини йиғиш ёки тайёрлаш тартибини бузиш билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётгани ташвиш уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролик жамияти ўзининг таркиби ва амалга ошириладиган ишлар кўлами билан фарқланади. Яъни, фуқаролик жамияти ННТлар, турли ижтимоий ҳаракатлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги ҳаракати бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилот ва муассасалар билан у ёки бу масалада ҳамкорлик ўрнатиш орқали ўз фаолиятига доир ҳужжатларида белгилаб олган вазифани амалга ошириш натижасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга қаратилгани, ташаббусларга асослангани, янги ғоя ва ҳаракатларнинг қўллаб-қувватланишида намоён бўлади.

Тахлиллар шунини кўрсатадики, Адлия вазирлигида 1991 йилда 23 та, 2010 йилда 452 та, 2016 йилда 557 та, 2017 йилда 824 та нодавлат нотижорат ташкилот рўйхатга олинган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 873 тага етган. Шунингдек, Адлия вазирлигида 2015 йилда 215 та, 2016 йилда 249 та, 2017 йилда 287 та, 2018 йилда 335 та хорижий ННТ аккредитациядан ўтган. 2018 йил ҳолатида Адлия вазирлигида барча шакл ва мақомдаги 9860 ташкилот рўйхатга олинган.

Фуқаролик жамияти институтлари орасида ННТлар, яъни "учинчи сектор"нинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда мазкур секторнинг жамият бошқарувидаги иштироки мустақам ҳуқуқий асосга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида ННТлар фаолиятини янада эркинлаштириш, соҳада мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш, бу ташкилотларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Адлия вазирлигининг 15 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

Унга қўра, ҳар бир ҳудудда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари" ташкил қилиниши белгиланди. ННТларнинг солиқ юки камайтирилди, уларнинг вакилларини вазирлик томонидан рағбатлантириш ҳамда давлат мукофотларига тавсия этиш амалиёти йўлга қўйилди. 2019 йил 1 январдан ННТларни рўйхатдан ўтказиш ва улар билан мулоқот қилишнинг электрон кўриниши жорий этилди. Диний ташкилотларнинг ҳисобот шакллари тасдиқланди, ҳисоботлар сони камайтирилди, уларни рўйхатдан ўтказишда тақдим этиладиган ҳужжатлар сони сезиларли даражада қисқартирилди, рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилди.

тирилди, уларни рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган давлат божлари 5 баробарга камайтирилди.

Жорий йилдан нодавлат нотижорат ташкилот томонидан рўйхатдан ўтказувчи орган билан тадбирларни келишиш, диний ташкилотларни адлия органлари томонидан тугатиш, жаримага тортиш бекор қилинди. ННТларга хорижий субъектлардан пул маблағлари ва мол-мулкни олиш тартиби, уларнинг давлат

миллаштириш, кадрлар малакасини оширишга қўмаклашиш ва бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш уларни ахборот билан таъминлаш, маслаҳат, услубий, ташкилий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий буюртма бериш каби шаклларда амалга оширилади.

Ахборот билан таъминлаш – бу

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ИЖТМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

органларига ҳисобот тақдим қилиши соддалаштирилди.

Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТлар фаолиятини янада кучайтириш мақсадида қатор ишлар, хусусан, "учинчи сектор"нинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишга тўғри келади:

давлат органлари ва ННТлар ва бошқа жамоат тузилмалари ўртасида ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш, фуқаролик ташаббускорлигини ўстиришга шариот яратиш, давлат ижтимоий буюртмалари орқали ННТлар ва бошқа жамоат тузилмаларининг ижтимоий йўналишдаги дастурларини молиялаштириш, давлат органлари, ННТлар ва бошқа жамоат тузилмалари ҳамкорлиги бўйича маслаҳат кенгашилари тузиш, биргаликда илмий, амалий, халқаро тадбирлар ўтказиб туриш, жамоат тузилмаларини ахборот билан таъминлаш, уларни рўйхатга олиш тизимини тако-

ННТлар ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш, телевидение, радиодан фойдаланишда кенг имкониятлар яратиш, электрон тарғибот воситалари орқали ахборот тарқатишга шариот яратиш, улар томонидан керакли ахборот олиш кафолатларини таъминлашдан иборат.

Маслаҳат жиҳатидан қўллаб-қувватлаш – амалдаги қонунчиликни, меъёрий ҳужжатларни қўллашга доир тушунтиришлар бериб бориш, ННТлар ва бошқа жамоат тузилмаларини тузиш, рўйхатга олиш, уларни бошқариш шакл ва усуллари, молиявий донорлар ва грант берувчилар, давлат кўмагини олиш йўллари ва шартлари, ўтказилаётган танловлар, давлат органлари ва бошқа субъектлар тўғрисида маълумот ва тушунтиришлар беришди.

Услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш – бу услубий тавсиялар ишлаб чиқиш, ахборотли материаллар, қўлланмалар,

кўргазмали қуроллар яратиш ва бошқа воситали йўллардан фойдаланиш.

Ташкилий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш – семинар, конференция, давра суҳбати, тренинг, ўқув ва малака ошириш курсларини ташкил этишдан иборат.

Бизнингча ННТлар ва бошқа ижтимоий тузилмаларни ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак бўлади:

ННТлар ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни танқидий кўриб чиқиш, ҳуқумат томонидан бу секторни ривожлантиришга оид давлат дастурларини қабул қилиш, бундай тузилмаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини яратиш, ҳуқумат билан бу тузилмалар ўртасида манфаатли шартномавий муносабатларга ўтиш ва бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс тадбирлар орасида янги қонунчилик яратилиши муҳим ҳисобланади. Сир эмаски, бутун дунёда ННТлар "Нохуқумат нотижорат ташкилотлар", яъни "Non-governmental organization" деб юриктилади ва барча қонунчилик ҳужжатларига ҳам шундай тушунча киритилган. Ушбу соҳага оид амалдаги қонунчиликдаги "нодавлат нотижорат ташкилотлар" сўзларини ҳам халқаро доирада эътироф этилган тушунчалар билан бирхиллаштириш лозим. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда ҳам, барча ташкилотлар, жумладан, ННТлар ҳам давлат ичида мавжуд бўлади, улар фақат ҳуқуматга қарашли бўлмайди, чунки бундай тузилмалар фуқароларнинг ихтиёрий, эркин асосларда ва аниқ мақсадларни қўлаб вужудга келди, фаолият йўналиши эса ўзлари томонидан қабул қилинадиган Низомиде акс этади. Улар ҳуқумат ва давлат бошқаруви органлари билан шартномавий муносабатларда мустақил фаолият олиб боради.

Қонунчиликда мавжуд юқоридаги чалқашликнинг бартараф этилиши фуқаролик жамияти институти сифатида ННТлар мақомининг оидинлашуви, давлат ва жамиятда нуфузи ошиши ҳамда мустақиллигини таъминлашга олиб келади.

Бобокул ТОШЕВ, Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари доктори

ДЕПУТАТЛАР АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ҲАМДА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 2 февралда ўтказилган Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раҳбарларининг ҳисоботиغا бағишланган йиғилишда берилган топшириққа биноан, кўмита томонидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси Жиноят кодексига белгиланган, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодексига кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этгани учун жавобгарликни кучайтириш йўли орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳада профилактик тадбирларни янада кучайтиришга, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, жумладан, ҳайвонот, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш борасида масъулиятини оширишга, махсус ваколатли давлат органлари иш фаолиятини тезкор ва самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда атом энергиясидан фойдаланиш тартибга солуви махсус қонунга бўлган ҳаётий эҳтиёжни таъминлашга қаратилган.

Лойиҳа атом энергиясидан фойдаланиш таъминлаш тизими учун ҳуқуқий асосларни яратиш, атом энергияси тўғрисида амалдаги барча меъёrlар ва қоидаларни унификация қилиш, уларни Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро мажбуриятлар билан мувофиқлаштириш, атом энергиясидан фойдаланишда юридик шахслар ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қонунчилик хорижий давлатларнинг энг самарали тажрибаси ҳамда механизмларини жорий этишни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан атом энергетикаси соҳасида Вазирлар Маҳкамаси, атом энергетикасини ривожлантириш, ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича ваколатли орган – Энергетика вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ("Ўзатом" агентлиги) ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари белгиланмоқда. Атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш тизими жорий этилмоқда.

Парламент аъзоларининг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, атом энергетикасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилади. Атроф-муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг салбий таъсиридан муҳофазалаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш тизимини шакллантириш ҳамда авария ҳолатларининг пайдо бўлиш хавфини минималлаштириш мақсадида атом энергиясидан фойдаланишда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишга қўмаклашади.

Мажлиса кўриб чиқилган яна бир муҳим ҳужжат – "Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (2001 йил 22 май, Стокгольм) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақида"ги конвенция 2001 йил 22 майда Стокгольм шаҳрида қабул қилинган ва 2004 йилдан кучга кирган. Ҳозирги кунда 182 та мамлакат конвенция иштирокчиси ҳисобланади. Етакли давлатлардан АҚШ, Италия ва Исроил конвенцияни имзолаган бўлса-да, ратификация қилмаган. МДҲ давлатларидан фақат Ўзбекистон ва Туркменистон ушбу конвенцияга қўшилмаган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси мажбурий характерга эга, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни турғун органик ифлослантирувчи моддалардан муҳофазалаш мақсадида уларни кескин қисқартиришга, ташланмаларини тўхташга ҳамда одам организмида ва экотизимларда қайта тиклаб бўлмас ўзгаришга олиб келувчи 12 та хавфли бирикма (кейинги тўлдиришларни ҳисобга олган ҳолда 26 та модда) ишлаб чиқарилишини, ишлатилишини чегаралаш ёки тақиқлашга йўналтирилган конвенцияни ратификация қилишни назарда тутди.

Депутатларнинг қайд этишича, конвенцияни ратификация қилиш Ўзбекистон Республикасида турғун органик ифлослантирувчи моддалар билан боғлиқ экологик ҳолатнинг яхшиланишига, аҳоли, атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишга ёрдам беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи имтиёзлари бoш тизимида қўшилиши ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш имконини яратади.

Баҳс-мунозара, қизгин муҳокамадан сўнг мазкур қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисада, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

Тиббиёт

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

2018 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси раҳбарлари ташаббуси билан "Россия – Ўзбекистон таълим форуми" ўтказилган эди. Форум доирасида Тошкент тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги университетини томонидан ўзаро ҳамкорлик шартномаси ҳам имзоланган.

Яқинда пойтахтимиздаги "HYATT REGENCY TASHKENT" меҳмонхонасида икки томонлама ҳамкорликни кенг амалий татбиқ этиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети ҳамкорлигида "Университетлараро ҳамкорлик маркази"нинг ташкил этилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирга И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети ректори Пётр Глыбочка бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюрди. Пётр Витальевич университет ректори ҳамда Россия фармацевтик ва тиббий олий таълим муассасалари ректорлар раёсатининг раиси ҳам ҳисобланади.

Тадбирда мамлакатимиздаги мавжуд тиббий-илмий марказларининг раҳбарлари, тиббий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт арбоблари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Икки олий таълим даргоҳи ҳамкорлигида очилган марказ Ўзбекистон ва Россия тиббий олий таълим муассасалари ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг биринчи намунаси ва натижаси ҳисобланади.

Тадбирда Тошкент тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги университетини ўртасидаги кўп йиллик ҳамкорликни намоён этиш ва шу билан бир қаторда истиқболли режалар тузиш ҳамда амалга оширилиши кўзда тутилган илмий-амалий тадбирлар марказининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш хусусида сўз борди.

Мазкур марказ халқаро тажриба алмашишини янги сифат босқичига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди. Қўшма илмий-амалий тадбирларни ўтказиш, электрон таълим соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, талабалар алмашинув дастурларини олиб бориш ва таълим муассасалари ўртасида оператив узлуксиз ахборот алмашишини таъминлаш ушбу ОТМлараро ҳамкорлик марказининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жумладан, тадбир доирасида таълим соҳасида илмий-амалий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдаги истиқболли режаларни кўриб чиқиш, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш имкониятларини юзага чиқариш борасида сўз борди.

– Ушбу марказ профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, ёш олимлар ва икки университетнинг талабалари ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида инновация ва технология ғоялар юзасидан фикр алмашиш учун замонавий платформага айланади, – дейди Тошкент тиббиёт академияси ректори Лазиз Туйчиев. – Шунингдек, Сеченов номидаги университети етакли профессор-ўқитувчилари Тошкент тиббиёт академиясининг таълим жараёнига кенг жалб қилинишига ёрдам бериб икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб олади. Ушбу ҳамкорлик маркази яқин келажақда икки таълим муассасалари ўртасидаги тезкор, узлуксиз ахборот алмашинувини таъминловчи муҳим нуктага ҳам айланади.

Тадбирдан сўнг йиғилиш иштирокчилари Тошкент тиббиёт академиясига ташриф буюриб, ўқув жараёнида, тиббиёт хоналари, лабораториялар ва таълим муассасида талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Гулнигор САТТОРОВА

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИ

Юртбошимиз 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга Мурожаатида ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда аксарият ҳокимларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускорлик этишмаётганини таъкидладилар. Зеро, замон ҳокимлардан фақат буйруқ кутиб ўтирмасдан ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудуд имкониятларини яхши билгани ҳолда ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қарорларни мустақил қабул қилишни талаб этмоқда. Бунинг учун ҳокимлардан малака ва иш тажрибасидан ташқари, бошқарув ва қарорлар қабул қилишга оид замонавий билим ҳам талаб этилмақда.

Шунингдек, Президентимизнинг ўтган йилги Мурожаатларида "Бугун бирорта идоранинг ўтган даврдаги фаолиятини хилосона баҳолаш имконини берадиган аниқ мезон йўқ. Масалан, ҳозирги кунгача мен Иқтисодий вазирлиги ёки бошқа бирон вазирлик фаолиятига қайси мезонлар бўйича баҳо берилишини билмайман. Шунинг учун вазирлик ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар прогноз кўрсаткичларини белгилашда ўз фаолиятида қўтилаётган натижаларнинг аниқ микдор ва сифат кўрсаткичларини белгилаб олиши лозим" деб таъкидларган эдилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилаётгани, давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органларини ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этиш талаб қилинаётгани, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу қўлларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмаётгани, мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий қилиш белгилаб қўйилган.

Давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими ҳам давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ислохот бўлиб, бошқарув тизимини такомиллаштириш доирасида амалга оширилмоқда. Давлат бошқаруви ва жамият учун давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш муҳим масала. Бу давлат органлари фаолияти сифатини назорат қилиш, раҳбарлар ва хизматчиларнинг бошқарув жараёнини яхшилаш имконини яратади. Шу билан бир қаторда самарадорлигини баҳолаш бошқарув фаолияти, қабул қилинган қарорлар сифати ва уларнинг ижросини таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ҳудудларнинг ҳар томонлама ривожланишида маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Юртбошимиз Мурожаатларида ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозирда ривожланган давлатларда бошқарувининг "New Public Service" яъни сифатли давлат хизматлари кўрсатиш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Назарияларнинг асосини натижадорликка қаратилган бошқарув ташкил этади. Янги давлат хизмати қуйидаги тамойилларга асосланади: идорани бошқариш эмас, балки жамиятга хизмат қилиш; халқ манфаатлари учун хизмат қилишни давлат хизматининг мақсади сифатида қўриш; стратегик услубда фикрлаш, демократик услубда бошқариш; аҳолига "кабинетда ўтириб" хизмат кўрсатиш эмас, балки фуқаролар билан бевосита мулоқот орқали хизмат қилиш; жамиятга очик ва шаффоқлик билан хизмат қилиш; унумдорликни эмас, балки инсонини биринчи ўринга қўйиш; жамият манфаатларини давлат органлари манфаатларидан устун қўйиш; яъни давлат органи фаолияти самарадорлигини таъминлаш жамият манфаатларига пугур этиши ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим.

"New Public Service" таълимотининг юқорида санаб ўтилган назарияларни юртбошимиз томонидан давлат бошқаруви органлари олдига қўйилаётган талабларга айнан мос келади. Бу 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ислохотлар жаҳоннинг энг ривожланган тажрибасига тўла мос келишини кўрсатади.

Давлат бошқаруви органларининг самарали фаолият юритишида жамоатчилик назорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун жамоатчилик назорати иштирокчилардан, аввало, юксак маданият қолаверса, ҳуқуқий, сиёсий билим, юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан хабардорлик, қабул қилинаётган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етиш талаб этилади. Шундан сўнг мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда қамчиликларга йўл қўймаслик учун фуқаролардан ижтимоий фоллик талаб этилади.

Кахрамон УМИДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг таянч докторанти

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

МЎЎТАБАР ВА ФИДОЙИ

Мунис, фидойи онахонларимиз, меҳнатсевар, изланувчан опа-сингилларимиз ўз фаолияти билан барчамизга ибрат бўлиб келган. Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилган эди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида мазкур нишон ўз эгаларига тантанали топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга фаол хотин-қизлар, нуруний онахонлар, маҳалла, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшаётган, чин маънодаги мўътабар онахонлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева ва бошқалар мамлакатимизда аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, турли мураккаб ижтимоий вазиятда қолган опа-сингилларга кўмаклашиш, уларга амалий гамхўрлик қилиш давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар замирида устувор ўрин эгаллашнинг таъкидлади.

Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жамият ва давлат ҳаётида фаол, ташаббускор, оиланинг шаклланиши ва унинг мустаҳкамлигини таъминлашга, соғлом авлод тарбиясига ҳисса қўшаётган аёллардан энг муносибларини “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирлаш юзасидан номзодларни танлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

“Мўътабар аёл” кўкрак нишо-

нига муносиб топилган аёллар турли ташкилот ва идораларнинг вакиллари, хотин-қизлар тизимида жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган аёллар, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, таълим тизимининг барча бўғинлари, соғлиқни сақлаш соҳаси, меҳнат фахрийлари, оналар, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, фермер, тадбиркор аёллардан иборат экани диққатга сазовордир.

Феруза Абдураҳимова умрини мукаммаллаш бўйича мутахассислар, фермер, тадбиркор аёллардан иборат экани диққатга сазовордир.
– Мамлакатимизда миллий санъатимиз, мукаммаллаш ривожига катта эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, санъат арбоби Ф.Абдураҳимова. – Буларнинг барчаси мукаммаллашнинг ҳақонга ҳам тақдим этиш имконини бермоқда. “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига муносиб бўлиш бизни янада катта масъулият ва фидойи меҳнат қилишга ундайди.

“Мўътабар аёл” нишонини тантанали топшириш маросимлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Н.УСМОНОВА



Байрам тадбирлари

ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Айни кунларда пойтахтимизда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами эзгулик ва яхшиликни, меҳр ва муҳаббатни тараннум этган ҳолда кенг нишонланмоқда.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида “Она ва аёл сиймоси” мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам ўзига хос баҳорий кайфиятда нишонланди.

Эл севган санъаткорлар иштирокидаги гала-концерт, талабаларнинг ижодий чиқишлари профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшларга бирдай манзур бўлди.

– Хотин-қизларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва гамхўрлик уларга куч ва шижоат бағишламоқда, – дейди Тошкент темир

йўл муҳандислари институти профессори Дилшод Баратов. – Бундай юксак эҳтиром ва эътиборга жамиятимизда фаолият юритаётган аёлларнинг барчаси оилада Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаётган соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаб она деган шарафли номга, масъулият билан ёндашиб, садоқат билан хизмат қилиб, муносиб жавоб қайтармоқда. Фурсатдан фойдаланиб мунис ва муҳтарам онахонлар, азиз опа-сингилларни байрам билан самимий табриқлаймиз.

Тадбирда олий таълим муассасаси ҳаётида ва жамоат ишларида ўзининг фаол иштироки билан муносиб ўрин эгаллаган педагог аёллар, талаба-ёшлар институт ректори ва касба уюшмаси кўмитаси бошланғич ташкилоти томонидан совғалар ҳамда ташаккурномалар билан тақдирланди.

Баҳор нафасини ўзида мужасам этган гўзал туйғулар, шодликларга ошно бўлган ҳолда ўтказилган байрам тадбири барчага бирдай манзур бўлди.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ УЛАШИБ

Миробод туман ҳокимлиги томонидан уюштирилган югуриш марафони ҳам 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилди.

Марафон Ойбек, Нукус кўчалари кесимчаси, Афросиёб кўчаси, Ш.Рашидов ҳамда Ўзбекистон шох кўчалари, Алишер Навоий Ўзбекистон давлат академик катта театрига бўлган ҳудудларда ўтказилди.

– Байрам муносабати билан ўтказилган югуриш марафони мамлакатимизда жисмоний тар-

бия ва спортни кенг оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизларни спортга жалб қилиш мақсадида уюштирилди, – дейди Миробод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Мадаминава. Марафон якунида голиблар туман ҳокимлиги томонидан муносиб тақдирланди.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

низми йўлга қўйилди. Бундай масъулиятли жараёнда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан яқин ва узвий ҳамкорликда иш олиб борилаётган кутилган ижобий натижаларни бермоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни қучайтиришда бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

– Университетимизда хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти қизларнинг одобига, кийиниш, муомала маданиятига, хотин-қизларни соғломлаштириш каби ишларга алоҳида эътибор қаратади, – дейди Тошкент давлат юридик университети талабаси Дилафрўз Истамова. – Шу билан бирга ёшларни турли ижодий тўғарақларига жалб этиш, талаба-қизларнинг бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш борасида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Анжуманда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг таълим, тадбиркорлик ва бошқа жабҳаларда ролини ошириш каби мавзулар атрофида муҳокама этилди.

(ЎЗА)

АЁЛЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Пойтахтимизда “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент молия институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманга турли вазирлик ва идоралар, бошланғич хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари, талаба-қизлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Нажмутдинова ва бошқалар мамлакатимизда аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этиши, бу борада Ўзбекистонда тупланган ижобий тажриба жаҳон мамлакатлари учун ибрат олса арзигулик

эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони аёлларга гамхўрлик кўрсатишга оид ишларни замон руҳига ҳамоҳанг, кучли ижтимоий йўналтирилган, аниқ ва манзилли тарзда йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этамоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, ижтимоий мураккаб аҳволдаги аёлларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқий, моддий-маънавий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатишга доир ишлар илгари мисли кўрилмаган даража ва кўламда олиб борилмоқда. Хотин-қизлар кўмитаси томонидан хонадонма-хонадон юрилиб, аёлларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ўрганиш, уларга ўз вақтида аниқ, тезкор ва оқилона ечим топишнинг амалий меҳа-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРДАГИ ТУРАР ЖОЙ ХОНАЛАРИ МУЛҚДОРЛАРИ!

“TOSHISSIQUVVATI” ДУК Сизга маълум қиладики, “Иссиқлик тарқатиш” бошқармасининг туман бўлиmlари томонидан 2019 йилнинг 1 мартдан 1 апрелга қадар иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг хатлови ўтказилади.

Хатловнинг мақсади:
– истеъмолчиларнинг шартномавий ҳисоб-китоб маълумотларини (корхона биллинг тизимини – электрон база маълумотлари) истеъмолчиларнинг ҳақиқий маълумотлари билан солиштириш;
– тафовутларнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва тартибга келтириш бўйича чоралар кўриш, истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоблари – ҳисоб-китоб маълумотларига ўзгартириш киритиш;
– ўтган йиллар даври бўйича келгусида тафовутлар ва муҳокамаларга йўл қўймайлик.

Хатлов жараёнида қуйидаги маълумотлар солиштирилади – мулкдор, тузилган шартноманинг мав-

жудлиги, кишилар сони, иситиладиган майдон, иссиқ сув таъминотини индивидуал ҳисобга олиш асбобининг маркаси ва рақами, ўрнатилган пломбанинг рақами, давлат текширувидан ўтказишнинг муддати ва санаси, сертификат рақами, ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичи, қарздорлик. Истеъмолчиларга, зарурат туғилганда, тафовутларни тартибга солиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида тушунтиришлар берилади.

Хатлов жараёнида янги шакл бўйича тузилган иссиқлик таъминоти шартномаларининг йўқлигида шартномалар тузилади. Бунда, истеъмолчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 й.даги 194-сонли қарори билан тасдиқланган амалдаги “Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш қоидалари”да назарда тутилган ҳужжатлар “TOSHISSIQUVVATI” ДУКда йўқ бўлган тақдирда тақдим этиш-

лари лозим бўлади. “TOSHISSIQUVVATI” ДУКнинг рақамли пломбаси бўлмаса, истеъмолчилар билан албатта икки томонлама далолатномалар тузилган ҳолда индивидуал асбоблар пломбаланади.

Иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоби давлат текширувининг муддати тугаган тақдирда, икки томонлама далолатнома тузилган ҳолда “TOSHISSIQUVVATI” ДУК рақамли пломбаси ечилади ва давлат текширувидан ўтказиш лозим бўлади.

Ҳурматли истеъмолчилар, ўтказилаётган хатловга тушунган ҳолда ёндошишингизни ва “TOSHISSIQUVVATI” ДУКнинг хизмат гувоҳномаси бор вакилларига киришга рухсат беришингизни **илтимос қиламиз**. Хатловни сифатли ўтказиш келгусида ўзаро тушунмовчиликларни мустасно этишга, пуллингиз ва вақтингизни тежашга ёрдам беради.

Ҳисоб-китоб маълумотларини солиштириш учун қуйидаги ҳужжатларни тайёрлаш лозим:

- турар жой мулкдорининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;
- кўп квартирали уйда хона мулкдори (фойдаланиш) ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни ва мазкур ҳуқуқни вужудга келиши санасини;
- ички ишлар органи паспорт бўлиминининг (Ф-17) маълумотномаси ёки уй китоби (кишилар сони ўзгарган тақдирда);
- Иссиқ сувни индивидуал ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлганда:
 - асбобни ўрнатиш/ечиш далолатномаси;
 - пломбалаш/пломбани ечиш далолатномаси;
 - давлат текшируви сертификати.

“TOSHISSIQUVVATI” ДУК етказилган ноқулайликлар учун уэр сўрайди ва ҳамкорлигингиз учун Сизга миннатдорчилик билдиради.

Хабарлар

ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОБЪЕКТЛАР РЎЙХАТИ ТУЗИЛДИ

Тошкент ҳокимияти ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаоллари пойтахтдаги тарихий қиёфасини сақлаб қолган ва ҳимояга муҳтож 100 та бино ва объект рўйхатини тузди.

“Кенгаш фаоллари Тошкент аҳолиси учун қадрли бўлган ва сайёҳлар эътиборини тортадиган, ўзига хос тарихий қиёфасини сақлаб қолган шаҳарнинг 100 биносининг йлг рўйхатини тузди. Улар тезкорлик билан ўрганиб чиқилиши ҳамда бино номлари Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари сифатида Давлат кадастрига киритилишига умид билдирамыз”, – дейилади Жамоатчилик кенгаши баёнотида.

Рўйхатга жумладан, архитектуравий ва тарихий аҳамиятга эга Тошкент курантлари, “Туркистон” саройи яқинида Анҳор устидан ўтган кўприк, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (собиқ Педагогика институти), Тошкент фотосуратчилар уйи, Республика байналмилал маданият маркази, Марказий телеграф, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари бинолари, қатор турар-жойлар ўрин олган.

Жамоатчилик кенгаши фуқаролардан кейинги авлод учун ўзига хос қадрият ҳисобланган меъморий иншоотлар, тарихий биноларнинг манзили, улар ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сўрамоқда.

TELEGRAM-БОТ ИШГА ТУШДИ

Хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун шижоат ва таклифларингизни @aotsht_bot’га жўнатишингиз, шуниңдек, 1062 ишонч телефони орқали хабар қилишингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз, охириги кунларда пойтахт автобусларининг ҳайдовчи ва чиптачиларига боғлиқ бир нечта хунук ҳодиса юз берди.

Жорий йилнинг 20 февраль куни Тошкентнинг Шимолий вокзал бекатида ногиронлиги бўлган шахс 62-йўналишдаги ҳамда 13т-йўналишида қатновчи ўрта сифимли “SAZ LE 60” русумли автобусга қиқмоқчи бўлганда, ҳайдовчилар пандус очилмаётганлигини баҳона қилиб, уни олмаган.

Яна икки “қаҳрамон” – пенсионер аёлни автобусдан тушириб юборган чиптачи ва ҳайдовчи касб этикасини бузганлик учун хайфсан олган.

ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАР УЧУН МИНИ-ГРАНТЛАР

“Ёшлар медиа маркази” ННТ журналист ва блогерлар учун мини-грантлар танловини эълон қилди. Мини-грантлар бугунги ўзбек ёшлари ҳаётига оид таҳлилий-танқидий, ижтимоий сўров ёки статистик кўрсаткичларга асосланган, холис хулоса, ҳақоний баҳо, амалий таклиф ва мулоҳазаларни ўз ичига олган, “тош босувчи” материаллар учун ажратилади.

Мини-грант суммаси 500 минг сўмдан 1,5 миллион сўмгача. Материал муҳимлиги, қамров ҳудуди кенглигига қараб сумма миқдори кўпайиши мумкин.

Танловга келиб тушган энг маъқул таклифлардан ҳар ойда 10 таси сарабала олинади ва уларга мини-грант ажратилади.

(Ўз муҳбирларимиз)

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

24/7 шохобчани ишлаб чиқилган дизайн асосида куриш бўйича ташкилотлар ўртасида “Узсаноат-курилишбанк” АТБ Миробод филиали

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: 71-215-59-45; 71-255-99-75.
Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида 2 қаватли хат жилдда жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

“ZIYO NURI” ногиронлар жамияти (СТИП 207284483) га тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент иқтисодиёт коллежи томонидан Журабаев Шухрат Равшанович номига 2012 йилда берилган К № 2711131 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Келес йўли (М.Каримов) 4-той кўчаси, 2-уй учун Исав Улқун номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Болалар спорти

ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАН

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадий гимнастика, камондан отиш, бокс, енгил атлетика, оғир атлетика, теннис, баскетбол, таэквандо (WT), академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, белбоғли кураш, турон каби спорт турлари бўйича ташкил этилган тўғарақларда қарийб 600 ўғил-қиз мунтазам шуғулланаётган. Уларга 27 нафардан зиёд мураббий ва мураббия спорт сир-асрорларини пухта ўргатмоқда.

Мактаб замонавий спорт иншоотлари – очик футбол майдони, теннис кортлари, катта спорт зал, тиббиёт, ювенил ва кийим алмаштириш хоналари, маъмурий бинони ўз ичига олган.

Спорт тўғарақлари фаолияти катъий жадвал асосида ташкил этилган. Ҳар бир гуруҳ мураббийи ҳафтасига уч марта машғулот ўтказиши. Машғулотлар жараёнида болалар саломатлиги тиббиёт ходимлари томонидан доимий назорат қилиб борилади.

Амалга оширилган бундай изчил ишлар туфайли спорт билан шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб, улар эришаётган ютуқлар салмоғи муттасил ортмоқда.

– Ўзбекистон спортчилари учун дунёга кенг йўл очилган, – дейди академик эшак эшиш бўйича олий тоифали мураббий Беҳзод Бобоносов. – Илгари ёш спортчиларнинг жаҳон ареналарида арзирли натижаси камдан-кам бўлар эди. Шу сабабли ҳам кўплаб хорижий мусобақаларда иштирок этилмади. Бугун нафақат етакчи, балки ёш спортчиларимиз ҳам жаҳон ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда голиб ва совриндор бўлиб, истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб келмоқда. Жумладан, шогирдим Сардор Тўлқинхўжаев Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида академик эшак эшиш бўйича кумуш медалини қўлга киритди.

Мазкур мактаб тарбияланувчиси, байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Нилуфар Зокирова ҳам ўтган йилги Осиё ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлди. У 2018 йилги спорт мавсумида Ўзбекистон кубогига олтин, Болгарияда ўтган жаҳон чемпионатининг жамоавий баҳсларида иккита кумуш, Осиё кубогининг жамоавий баҳсларида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди.

– Мен илк мартабу бу ерга келганимда биринчи мураббийим Виктор Вражновнинг шогирдларига бераётган кўрсатмаларини, ўз ишини жону дили билан олиб бораётганини кўриб, байдарка ва каноэда эшак эшиш спорт турига меҳрим ошди, – дейди Н.Зокирова. – 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби менинг қалбимдан чуқур жой олган. Қўлга киритган ютуқларимда мазкур мактабдагиларнинг хизмати катта. Ҳозир марказий ҳарбий спорт клуб аъзоси бўлсамда, бу ерга келиб тажрибамни ошириб тураман.

Мактаб тарбияланувчилари ўтган 2018 йилда Осиё ва жаҳон чемпионати, халқаро турнирлар, республика чемпионати ва кубокларида, 69 та мусобақада иштирок этиб, йигирматадан олтин ва кумуш ҳамда ўттиз битта бронза медалини қўлга киритди.

Бундай улкан марраларни забт этаётган ўғил-қизларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Альберт Эйнштейн Чарли Чаплиннинг фильмларини яхши кўрар, бу актёрга ихлоси баланд эди. Кунлардан бир кун у актёрга шундай мактуб юборди: "Сизга қўйилган, санъатингиз ҳаммага тушунарли, сиз келажакда буюк одам бўласиз. Эйнштейн".

Орадан кўп ўтмай жавоб хати келади: "Мен эса сизга қайта-қайта қўйил қоламан. Сизнинг нисбийлик назариянгизни жаҳонда камдан-кам одам тушунади, лекин барибир Сиз улғ одамсиз. Чаплин".

Кунлардан бир кун Бернгард Шоуни кўчада велосипедчи туртиб юборди. Ҳеч ким жабр кўрмайди. Тўқнашув айбодори ҳижолат чекиб узр сўраётганда кекса драматург унинг сўзини бўлиб, шундай дейди: – Омадингиз чопмади-да. Сал қаттиқроқ турганингизда эди, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

Чарльз Дарвин бир кун ресторанда овқатланаётган эди, ёнидаги столда ўтирган хоним жаҳонга машҳур олимни таниб қолиб, унга гап қотди: – Жаноб Дарвин, сиз доимо одам маймундан тарқалган дейсиз. Айтингчи, бу фикрингиз менга ҳам тегишлими?

– Албатта, сизга ҳам тегишли, – дея жавоб қилади олим, – фақат сиз оддий маймундан эмас, чиройли маймундан тарқалгансиз.

Машҳур юнон файласуфи Сукротдан шогирдлари сўрашибди:

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари томонидан божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товар-моддий бойликларини божхона назоратидан яшириб ҳамда божхона расмийлаштируви бўйича ҳужжатларга маълумотларни нотўғри киритиш орқали олиб киришга уриниш ҳолатларига ўз вақтида чек қўйиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу турдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинмоқда.

БОЖХОНАЧИЛАР НОҚОНУНИЙ ТОВАРЛАР АЙЛАНМАСИГА ЧЕК ҚЎЙИШДИ

Жумладан, "Тошкент-товар" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан пойтахтимизда фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркор номга хориждан келтирилган "Советгичлар учун изоляция материал" божхона кўригидан ўтказилганда божхона юк декларациясида ҳамда йўл юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган товарлардан ортиқча вазни салкам 900 кг. бўлган 141 рулон "Советгичлар учун изоляция материал" ҳамда ҳужжатларда кўрсатилмаган 100 метр советгич трубасти учун химоя воситаси борлиги маълум бўлди. Божхона юк декларациясидан "тушиб" қолган мазкур ортиқча товарларнинг умумий қиймати 30 миллион сўмни ташкил қилар экан.

Шунингдек, "Арк булок" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан хориждан фуқаро Ю.Б. номга келтирилган "соч учун хина" товари божхона

юк декларацияси ва юк кузатув ҳужжатлари асосида божхона кўригидан ўтказилди. Натижада ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча умумий қиймати салкам 53,5 миллион сўмлик 35 минг 640 дона "соч учун хина" товари борлиги аниқланди.

Яна бир ҳолатда "Чукурсой" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан хориждан яқка тартибдаги тадбиркор М.Г. номга келган "авто эҳтиёт қисмлари" товарлари божхона кўригидан ўтказилганида, йўл ҳужжатларида кўрсатилмаган умумий қиймати 24,7 миллион сўмлик оғирлиги салкам 700 кг. ни ташкил этган 5 турдаги автомобиль эҳтиёт қисмлари борлиги маълум бўлди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширув ҳаракатлари давом этирилмоқда.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Янги тадқиқотлар

ЎТА ЧИДАМЛИ ПРОБИОТИК ЯРАТИЛДИ

Америкадаги Массачусетс технологиялар институтининг тадқиқотчилар гуруҳи метициллинга чидамли Staphylococcus aureus (MRSA) ва Pseudomonas aeruginosa бактерияларини антибиотик ва алгинат-капсулани пробиотиклар бирикмаси ёрдамида йўқ қилиш мумкин бўлган янги ёндашуви ишлаб чиқдилар.

Инсон танасида миллиардлаб бактерия ҳужайралари яшайди. Уларнинг аксарияти фойдали бактериялар ҳисобланади. Айрим вақтларда улар зарарланган жойларда бактерияларга қарши пептидлар ва бошқа моддалар ишлаб чиқиб, касаллик кўзғовчи бактерия штаммларини бартараф қилади. Айрим турлари эса овқат ҳазм қилиш жараёнида қатнашиб, баъзи озиқ моддаларнинг ичаклар орқали сўрилишини осонлаштиради.

Олимлар илгари сурункали яралар билан оғирган беморларда пробиотикларни қўллаш госяини илгари суриб, уларни қуйиш жараёнида қўллаган ва муваффақиятли натижаларга эришганлар. Аммо пробиотиклар яраларга жойлашиб оладиган айрим бактерияларга қарши курашишда самарасиз бўлиб чиқди.

Ушбу пробиотик бактерия штаммларини одатдаги антибиотиклар билан аралаштириб қўлаганда, улар касаллик туғдирувчи кўплаб бактерияларни ҳалок қилиши мумкинлиги айтилган, лекин муаммо шунда эдики, антибиотиклар бир вақтнинг ўзида пробиотик бактерияларни ҳам ҳалок қилиши аниқланган.

Массачусетс технология институти олими Ана Якленес ва унинг ҳамкасблари ушбу муаммо юзасидан тадқиқот ишларини олиб бордилар. Улар пробиотик бактерияларни антибиотиклар таъсиридан ҳимоя қилиш учун уларни капсула билан ўраш техникасини ишлаб чиқди.

Улар бунинг учун аввалдан жароҳатлар ва яраларни қуруқ сақлаш мақсадида қўлланяладиган алгинатни танлаб олди. Бактериялар антибиотиклардан ўзини ҳимоя қилиш учун ишлаб чиққан махсус қобик таркибида айнан алгинат моддаси мавжудлиги учун ҳам тадқиқотчилар ушбу моддани танлайдилар.

Айни вақтда жуда кўп касаллик пайдо қилувчи бактериялар антибиотикларга чидамли бўлиб, бу инсон саломатлигини асрашда катта муаммоларни юзга келтирмоқда. Бизнинг фикримизча ушбу касалликларни даволашда энг маъқул йўллардан бири пробиотикларни капсулашдир.

Тадқиқотчилар касаллик кўзғатувчи бактериялардан Pseudomonas бактерия-


ларнинг антибиотиклардан ўзини ҳимоя қилишда ишлаб чиқарувчи махсус қобиги таркибини узоқ вақт тадқиқ этишган ва айнан алгинат моддаси ҳимояда муҳим ўрин тутишини аниқлашган. Уларнинг таъкидлашича, ҳозиргача ҳеч бир тадқиқот ишида фойдали бактерияларни антибиотиклардан ана шу модда ёрдамида ҳимоя қилиш қўллаб кўрилмаган.

Тадқиқот давомида олимлар Lactococcus бактериялар гуруҳига кирувчи учта бактерия штаммини танлаб олган ва уни капсула билан ўраб чиқилган. Одатда ушбу пробиотиклар хавфли ҳисобланган MRSA бактериясини зарарсизлантиришда қўлланилади. Лекин олимларга ушбу пробиотикларнинг зарарсизлантириш механизми маълум эмас. Мавжуд икки фикрга кўра, пробиотиклар ишлаб чиқарган сут кислотаси зарарли бактерияни ҳалок қилади, иккинчи фикрга кўра, пробиотиклар зарарли бактериялар ўзини ҳимоя қилдиган махсус қобигини эритиб юборувчи бактерияларга қарши пептид ёки бошқа оксилларни ишлаб чиқаради. Тадқиқот муаллифлари лаборатория шароитида кўпайтирилган антибиотикларга чидамли Pseudomonas aeruginosa ва MRSA бактерияларига қарши капсула ўралган Bio-K+ пробиотиклар ва махсус танлаб олган тобрамицин антибиотигини таъсир эттириб кўрадилар. Натижада барча зарарли бактериялар ҳалок бўлади. Худди шу жараён пробиотикларни капсулага ўр амаздан ўтказилади. Бу ҳолатда эса антибиотик зарарли бактериялар ўрнига фойдали пробиотикларни ҳалок қилади ва натижада касаллик кўзғовчи бактериялар омон қолади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу зарарли бактерияларга қарши пробиотик ва антибиотикларни алоҳида ҳолатда қўллаш самарали натижа бермаган. Уларни биргаликда қўллаш ҳам юқорида айтилганидек пробиотиклар ҳалок бўлиши билан яқунланган. Ушбу тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган технология асосида эса капсулага ўралган пробиотик ва антибиотиклар ёрдамида касаллик келтириб чиқарувчи ашаддий бактерия штаммларини ҳам буткул ҳалок қилиш мумкинлиги аён бўлган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу зарарли бактерияларга қарши пробиотик ва антибиотикларни алоҳида ҳолатда қўллаш самарали натижа бермаган. Уларни биргаликда қўллаш ҳам юқорида айтилганидек пробиотиклар ҳалок бўлиши билан яқунланган. Ушбу тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган технология асосида эса капсулага ўралган пробиотик ва антибиотиклар ёрдамида касаллик келтириб чиқарувчи ашаддий бактерия штаммларини ҳам буткул ҳалок қилиш мумкинлиги аён бўлган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу зарарли бактерияларга қарши пробиотик ва антибиотикларни алоҳида ҳолатда қўллаш самарали натижа бермаган. Уларни биргаликда қўллаш ҳам юқорида айтилганидек пробиотиклар ҳалок бўлиши билан яқунланган. Ушбу тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган технология асосида эса капсулага ўралган пробиотик ва антибиотиклар ёрдамида касаллик келтириб чиқарувчи ашаддий бактерия штаммларини ҳам буткул ҳалок қилиш мумкинлиги аён бўлган.



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Ҳаётингни изга солиб олиш осон эмас.

* * *

Кўпчилик ишининг битганини кўради – бошқаларга малол келиши ёки оғир тушишини ўйлаб ҳам ўтирмайди.

* * *

Олдга ўтгани ортада қолганининг маломати ўлдиради.

* * *

Ваъдани ҳамма ҳам беради, лекин жуда оз киши унга вафо қилади.

* * *

Яхшининг яхшилиги ўзидан узоқ яшайди, ёмоннинг ёмонлиги ўзидан қисқа.

* * *

Яхши фарзанд раҳмат келтирар, ёмон фарзанд лаънат келтирар.

* * *

Ўзини кўрмасанг, овозини эшитмасанг унутасан деган гаплар бекор.

* * *

Ноҳақ қарғиш ўзингга уради.

* * *

Инсон кўнгли қоронғи ғорга ўхшайди – ичида нима борлигини кўриб бўлмайди.

* * *

Инсонга хатоларини англаши ва бир хулосага келиши учун вақт керак.

* * *

Нодонлар топишса, донога йўл беришмайди.

* * *

Ҳамма нарсани ўз устига олиб, ўзини қийнайдиганлар бор.

* * *

Муҳаббат ҳам, дўстлик ҳам, қариндошлик ҳам икки томонлама бўлса, мустаҳкам бўлади.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 7 март куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4, кундузи – 13-

15 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.